



CANADA



CANADA

## ДУО НУТҚИЙ ЖАНРИНИНГ ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Хасанова Фотима Мамановна  
ЎзДЖТУ докторантни

Дуо нутқиий жанр сифатида ўзининг нутқиий мақсад, композицион тузилиш ва услугга эгалиги билан харakterланади. Дуо нутқиий жанрини ўрганишнинг кўлами кенг. Шу сабабли ҳам ҳозирги кунга қадар ушбу нутқиий жанрни дин, адабиётшунослик, фольклоршунослик нуктаи назардан тадқиқ қилинган. Дуонинг матний кўринишга эгалиги уни лингвистик жиҳатдан тадқиқ қилишга имкон яратади. Дуонинг лингвистик хусусиятларини ўрганишда унинг нутқида функционал хусусиятлари ва хилма-хиллигини инобатга олиш зарур.

Дуонинг мақоллар, маталлар, мифлар, фразалар таркибида нутқида кенг кўлланилиши унинг турли лингвистик, когнитив, миллий-маданий, социолингвистик, прагматик, дискурсив жиҳатларини очиб беради. Масалан, ўзбек тили тизимида “Худога солдим”, “Худо жазосини берсин” каби жумлалар мазмунан қарғишга йўналтирилган салбий мазмундаги дуолардир. “Дуогўй” сўзи эса кишининг ёши кексайланлигини ифодалаши билан бирга тақводор эканлигини кўрсатиб, баъзан ҳалқقا, жамиятга, кишига нисбатан ҳам қўлланилади. “Дуо килиб қўяверинг” ибораси эса баъзан “бирор нарсадан воз кечиш”ни, баъзан “умидни узинг” маъносида ҳам қўлланилади.

Шуни айтиш керакки, тил тизимида дуоибад қилиш, оқпадар бўлиш, оқ килиш, қарғишга қолиш, сехр-жоду қилиш, афсун ўқиш кабилар мазмунида салбий дуолар мавжуд.

Дуо кучи ҳақида гап борганда дуодаги сўзнинг магик хусусияти ҳақида гапириш ўринлидир. Мусулмон кишисининг кўнглини оғритиш, мазлумнинг дуосига рўпарў келиш мазлум дуоси орқали киши ҳаётининг ёмон тарафга ўзгариши билан харakterланади. Баъзан майший ҳаётда дуонинг кучи кишини турли бало-қазолардан сақловчи восита сифатида ҳам қабул қилинади. Шу сабабли ҳам тил тизимида “садақа радди бало”, “олтин олма-дуо ол, дуо олтин эмасми” каби метафорик иборалар вужудга келган.

Дуо нутқиий жанрининг матний композицион тузилишида нутқиий актлар масаласи, модус ва диктум муносабатлар, дуолар классификацияси, хусусан, хажмига кўра гипер, макро, микроструктурали дуолар, қисқа ва узун дуо турларининг ўзига хослиги дуо нутқиий жанрининг лингвистик планда тадқиқ этишнинг ўзига хослигини белгилайди. Бундан ташқари дуо нутқиий жанри тили ва услубияти масаласида араб-ўзбек тилларидаги дуоларнинг лексик-грамматик, структур хусусиятлари кабилар тадқиқи ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Дуоларда услуб масаласининг ўрганилиши дуоларнинг диний услугга хосланган ва майший нутқиа хосланган шаклларинин ўрганишга имкон беради ва дуо нутқиий жанри классификациясини шакллантиради.

Дуо нутқий жанрида ижтимоий омиллар ҳам ўзига хос тарзда ифодаланади. Ижтимоий идентификацияни аниқлаштирувчи ижтимоий омилларга қуйидагиларни мисол қилиш мумкин бўлади:

1. Жинс омили: аёллар дуоси, эркаклар дуоси кабилар;

2. Гендер омили: а) аёлнинг сўзлаш ва ҳаракатланиш манъераси, стереотипининг ўзига хослиги, эркак манъерасининг ўзига хослиги каби, б) аёл ва эркакнинг жамиятдаги юқори мавқеъга эгалиги муаммоси каби;

3. кишининг жамиятда шахсий мавқеи омили. Бунда кишининг жамиятдаги қадри, ахлоқий фазилатларини назарда тутилиб, жамиятнинг муайян ижтимоий мезони, яъни ижтимоий тарози асосида аниқланади. Масалан, ахлоқи бузук эркак ва аёллар дуосининг олинмаслиги ёхуд бундай кимсаларга дуо беришдан бош тортиш кабилар.

4. Ижтимоий яқинлик даражаси омили. Ўзбек социумида дуо бериш ёки дуо олишда ижтимоий жиҳатдан қондошлиқ-қариндошлиқ, ака-ука, опа-сингил, эр-хотин, ота-она ва бола каби ижтимоий яқин кишилардан дуо олиш анъанаси мавжуд. Шу сабабли ҳам кекса қондошларни йўқлаш, ҳолидан ҳабар олиш унинг дуосини олиш билан тенглаштирилади.

5. Ижтимоий тенгсизлик омили: колектив жамиятда жамият аъзолари дуо орқали ҳам бошқарилади. Бунда дуо орқали ижтимоий қадрлаш ёхуд қадрсизлантириш ҳодисаси ҳам юз бериши мумкин. Масалан, ўзбек маданиятида дуога қўл очмаслик, қисқа ва мазмунсиз дуо қилишлиқ, кимнидир исмини дуода қўшмаслик ёхуд қилган яхши ҳайрли ишларини дуода тилга олмаслик, ижтимоий қадрсизлантириш белгиларидир.

Жамoa таркибида ҳаракатланишнинг ўз меъёрлари бўлиб, кишининг халқнинг дуосига сазовор бўлишлиги жамият аъзоси сифатидаги белгидир, Жамиятда ман қилинган одатларни бажариш, ўғрилик, ватанга хоинлик қилиш кабиларда маҳалла оқсоқоллари, яъни эркаклар томонидан жамоавий дуо мазмунида ёмон тилакларга асосланган қарғишларнинг ташкил қилиниши ҳам ижтимоий қадрсизлантиришнинг бир кўриниши хисобланади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, жамиятда тайнланган, сайланган маҳалла оқсоқолларининг ижтимоий қадр-қиймати ижтимоий меъёрларни бузмаганлиги, жамoa фойдасига кўп йиллар меҳнати синганлиги сабабли ҳам ҳаммага ўрнак бўла олганлиги каби бир қатор ижтимоий мезонлар билан белгиланади. Шу сабабли дуо ва дуоибадлар ижтимоий жиҳатдан асосли хисобланади.

Шуни таъкидлаш керакки, дуо қилувчининг ижтимоий-маънавий даражаси дуоларда ўз аксини топади. Масалан, ўқиган инсонларнинг дуоси, ўқимаган инсонларнинг дуоси каби. Ушбу дуолардаги фарқлар дуо қилувчи нутқида илмий ва оммабоп, сўзлашув нутқига оид сўзларнинг қўлланилиши кабиларда кўринади.

Дуо нутқий жанрининг лингвистик тадқиқида, айниқча тасниф масаласида адресант ва адресат муносабатига кўра дуолар таснифи (адресат-кимга йўналтирилишига кўра): сўзловчининг ўзи ёхуд тингловчига а) муқаддас шахсларга

йўналтирилган (Худо (намоз), азиз авлиёлар (Хизр бува), б) инсонларга йўналтирилган: болалар, дўстлар, марҳумлар (ота-она ёки қариндошлар), в) хайрли ишларга йўналтирилган: лавозим, ютуқ, камчилик (ривож дуо), тўй, бирор нарса (уй, машина) сотиши (Хизр бозорини берсин каби) сотиб олиш кабиларни инобатга олиш муҳимdir.

Бунда дуо адресанти ва уларнинг турлари (азиз саналган инсонлар: мулла, қори, ота дуоси, она дуоси, ака, опа, ногиронлар, мусофир, мазлум кишилар, хожи оналар, рўзадорлар дуоси каби), дуо семантикасига кўра турлари: Ижобий (барака, ривож, яхши, эзгу тилак билдириш) ва салбий (қарғиш (мазлум, жабр кўрган инсоннинг дуоси), афсун, сеҳр-жоду каби) дуолар, коллектив (гурух)-маросимли (гурухлаш: жинси, ёши, умуний мақсадлари, қизиқишилари, ижтимоий синфи каби, Диний маросимлар таркибидаги дуолар: диний Азон айтилиши, исм қўйиш, намоз, таъзия, таркибидаги дуолар, оқсоқоллар дуоси, хожионалар дуоси (хожикўрди, тўй, ўлим, армия каби бир қатор маросими дуолар) ва индивидуал-маросимсиз дуолар, ижтимоий-иқтисодий синфга оид дуолар (раҳбар дуоси, устоз дуоси, ҳатми куръон қилдириш дин кишилари учун), этник келиб чиқиши (оқ суюклар дуоси, тўралар дуоси), жинс (аёлнинг дуо (қарғиши) она дуоси, эркакнинг дуоси (қизини тўйида ота дуоси), ёш (кекса нуронийлар дуоси, болалар дуоси дастурхонга дуо қилиш одоби) кабилар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:**

1. Абу Ҳомид Ғаззолий. Саодатга элтувчи билим. Тошкент, Моварауннаҳр”, 2018, 303-бет.
2. Раҳимберган Сапаев. Ислом. Кўрсатма, ҳидоят, раҳмат. Т, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2019, 198-бет.
3. Усмонхон Алимов. Суннат ва Ҳадис. Т. Моварауннаҳр, 2019, 14-бет.